

**АРАБ БАЛОҒАТ ИЛМИДА “АМР”
(БУЙРУҚ) ШАКЛИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-
СЕМАНТИК ВА ПСИХОЛИНГВИСТИК
ТАЛҚИНИ**

**ФУНКЦИОНАЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКАЯ
И ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ КАТЕГОРИИ «АМР»
(ПОВЕЛЕНИЯ) В АРАБСКОЙ РИТОРИКЕ**

**FUNCTIONAL-SEMANTIC AND
PSYCHOLINGUISTIC INTERPRETATION
OF THE IMPERATIVE FORM (AMR) IN
ARABIC RHETORIC**

MULLASODIQOVA NIGORA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

PhD, Associate Professor,
Department of Arabic Language and Literature al-Azhar,
A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2026/2/9

Аннотация. Ушбу мақолада араб балоғат илмининг марказий масалаларидан бири – “Амр” (буйруқ) категориясининг функционал-семантик ва психолингвистик табиати тадқиқ этилган. Наҳв илмида буйруқнинг ясаилиши асосан икки шаклда кўрсатилади, унинг масдар шакли ва исмлар орқали ифодаланишига амалий грамматикада кўп эътибор қаратилмайди. Шунингдек, буйруқ феъли асосан «вожиблик», яъни ижро этилиши мажбурий бўлган иш маъносини ифодалаши таъкидланади.

Мақолада буйруқ шакли ясаилишининг тўрт тури таҳлил қилиниб, улар орқали ифодаланадиган маънолар кенг кўламда ёритиб берилган. Тадқиқот давомида буйруқ шаклининг инсон руҳияти ва мулоқот вазиятига кўра трансформацияга учровчи ўн бешдан ортиқ мажозий-балогий маъноларини комплекс таҳлил қилинди. Мазкур таҳлилга классик давр олимларидан Юсуф Саккокий, Маҳмуд Замахшарий, янги давр олимларидан Аҳмад ал-Ҳошимий, Абдулазиз Атиқ ва Фозил ас-Самирроийларнинг илмий қараишлари асос қилиб олинган. Мазкур ёндашуларга таянган ҳолда грамматик қолипларнинг матн контексти ва тингловчининг руҳий ҳолатига нақадар тобе экани далилланган. Мақолада буйруқнинг морфологик ва синтактик ифодаланиш усуллари — соф буйруқ феълидан тортиб, «лом ал-амр» бириккан келаси замон шакли, масдар ва феъл исмларигача бўлган шаклларни қиёсий таҳлил қилинган ва нутқий таъсирчанлик даражалари белгиланган.

Тадқиқот объекти сифатида Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва жоҳилия даври мумтоз шеърятидан олинган бой материаллардан фойдаланилган. Бу орқали «амр» категориясининг ожизлантириши, маслаҳат бериши, қўрқитиши, камситиши, мазаҳ қилиши, ҳайрат ва таажжубланиши, армон ва хабар каби маъно қатламлари очиб берилган. Хулоса сифатида сўзловчи буйруқ шакли орқали тингловчини нафақат ҳаракатга келтиради, балки унинг руҳиятини бошқариши ва қалбидаги ҳис-туйғуларини, руҳий ҳолати ва асл мақсадни буйруқ шакли воситасида акс эттиришига эришади. Шунингдек, мақолада араб, ўзбек ва рус тилларидаги буйруқ категориясининг қиёсий тафовутлари ҳам тилга олинган. Иш диний ва бадий матнларни тўғри талқин қилиши ҳамда адекват таржима қилишида муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Калим сўзлар: ишорий талабий заплар, амр (буйруқ), мажозий маъно, психолингвистика, прагматика, Қуръон услубияти, мумтоз шеърят.

Annotation: This article examines the functional-semantic and psycholinguistic nature of the category of Amr (the imperative), one of the central issues in Arabic rhetorical studies. In Arabic grammar (naḥw), the formation of the imperative is generally described through two principal forms, while comparatively little attention is paid in practical grammar to its expression through verbal nouns (maṣdar) and nominal forms (ism al-fi'l). Furthermore, the imperative verb is conventionally associated with “obligation” (wajub), implying a mandatory action.

The article analyzes four forms of imperative construction and provides a comprehensive examination of the meanings conveyed through each of them. The study conducts a comprehensive analysis of more than fifteen figurative and rhetorical meanings of the imperative form, demonstrating how its interpretation may vary according to the psychological state of the speaker and the communicative context. The analysis is grounded in the scholarly views of classical figures such as Yusuf al-Sakkaki and Mahmud al-Zamakhshari, as well as modern linguists including Ahmad al-Hashimi, Abdul Aziz Atiq, and Fadhil al-Samirrai. Based on these theoretical foundations, the study demonstrates the extent to which grammatical structures are conditioned by textual context and the psychological state of the addressee. The article comparatively analyzes the morphological and syntactic realizations of the imperative, ranging from the direct imperative verb to the future tense form combined with lām al-amr (the imperative particle), as well as verbal nouns (maṣdar) and verbal nouns functioning as nouns (asmā' al-af'āl), and identifies their respective degrees of rhetorical and communicative effectiveness.

As the primary sources of analysis, the study draws upon a rich corpus of evidence from verses of the Holy Qur'an, Prophetic hadiths, and classical pre-Islamic (Jāhiliyyah) Arabic poetry. Through this analysis, the semantic layers of the amr category are elucidated, revealing its rhetorical

functions in expressing incapacitation, advice, warning, disparagement, mockery, astonishment and wonder, regret, and declarative communication. In conclusion, the study demonstrates that, through the imperative form, a speaker not only motivates the addressee to perform an action but also influences and directs the addressee's psychological state, while simultaneously conveying personal emotions, inner sentiments, psychological disposition, and communicative intentions. In addition, the article highlights the comparative distinctions of the imperative category in Arabic, Uzbek, and Russian languages. The study serves as an important scholarly resource for the accurate interpretation of religious and literary texts, as well as for ensuring their adequate translation.

Keywords: performative-demandative sentences (*al-inshā' al-ṭalabī*), *amr* (imperative), figurative meaning, psycholinguistics, pragmatics, *Qur'anic* stylistics, classical Arabic poetry.

Аннотация. В настоящей статье исследуется один из центральных вопросов арабской науки о красноречии (балага) – функционально-семантическая и психолингвистическая природа категории «амр» (повеления). В науке о синтаксисе (нахв) образование повеления рассматривается преимущественно в двух формах, тогда как его выражению через масдар (отглагольное имя) и через имена в практической грамматике уделяется мало внимания. Отмечается также, что глагол в повелительной форме выражает прежде всего значение вуджуб («обязательность»), то есть действие, исполнение которого является обязательным.

В статье анализируются четыре типа образования повелительной формы и подробно раскрывается широкий спектр выражаемых ими значений. В ходе исследования проведён комплексный анализ более пятнадцати переносных (метафорически-риторических) значений повелительной формы, претерпевающих трансформацию в зависимости от психического состояния человека и ситуации общения. Анализ опирается на научные взгляды учёных классического периода – Йусуфа ас-Саккаки и Махмуда аз-Замахшари, а также учёных нового времени – Ахмада аль-Хашими, Абдулазиза Атика и Фазиля ас-Самарраи. На основе этих подходов доказано, в какой степени грамматические модели зависят от контекста текста и психического состояния слушателя.

В статье проведён сравнительный анализ морфологических и синтаксических способов выражения повеления – от чистого повелительного глагола до формы будущего времени с частицей лам аль-амр, а также форм масдара и отглагольных имён, – и определены степени их речевой воздейственности. Материалом исследования послужили богатые источники: аяты Священного Корана, благородные хадисы и классическая поэзия доисламского периода (джахилийя). На этой основе раскрыты смысловые пласты категории «амр», такие

как выражение бессилия (вызов невозможным), совета, угрозы, уничтожения, насмешки, удивления и изумления, сожаления и сообщения.

В качестве вывода установлено, что посредством повелительной формы говорящий не только побуждает слушателя к действию, но и управляет его психическим состоянием, отражая через эту форму чувства, душевное состояние и подлинное намерение. Кроме того, в статье затрагиваются сравнительные различия категории повеления в арабском, узбекском и русском языках. Работа служит важным научным источником для верного толкования религиозных и художественных текстов, а также для их адекватного перевода.

Ключевые слова: арабская лингвистика, наука риторики (илм аль-балага), предложения Инша талаби, амр (императив), переносное значение, психолингвистика, Фадель ас-Самарраи, прагматика, стилистика Корана, классическая поэзия.

КИРИШ

Араб балоғат илмида вокеликда бирор ўзгариш бўлишини талаб қиладиган гаплар “иншо талабий” (إنشاء طلبی) гаплар деб аталади. Мазкур таснифга буйруқ, таъқиқ, сўроқ, орзу-истак ва ундаш маъноларини ифодаладиган гаплар қиради (Atiq A., 1985:192). Буйруқ – “амр”нинг ясаилиши ва у орқали маъно ифодаланиши маъоний илмининг муҳим масалаларидан биридир. Буйруқ асл моҳиятига кўра юқоридан пастга, яъни ёши ёки мартабаси улуг одамнинг ўзидан кичик ёки қуйи даражадаги бошқа одамга қаратадиган талабидир. Устун томоннинг буйруғига итоат этиш шарт деб ҳисобланади. Бироқ тил фақатгина қатъий қоидалар йиғиндиси эмас, балки инсон руҳиятининг кўзгуси вазифасини ҳам бажаради. Сўзловчининг ички кечинмалари ёки тингловчи билан бўлган ижтимоий муносабати буйруқнинг “вожиблик” (الوجوب) шартига мос келмаса, у ўзининг ҳақиқий грамматик чегарасидан чиқиб, балоғий – мажозий маъно касб эта бошлайди. Балоғий маъно – бу сўзнинг асл моҳияти ортида яширинган вазият ва сўзловчининг психологик ҳолати (кўркув, умид, ғазаб, таҳқир ёки илтижо каби руҳий ҳолатлар) орқали очиладиган иккиламчи семантик қатламдир.

ТАҲЛИЛ

Маъоний илмида иншо услуби иккига тақсимланади:

1. Иншо талабий
2. Иншо ғайри талабий

Иншо талабий воқеликда ўзгариш бўлишини талаб қилагидан гап турларини жамлайди. Буйруқни ифодаловчи гаплар ҳам иншо талабий гаплар гуруҳига мансубдир. Араб тилшунослигида буйруқ мазмунига кўра икки турга тақсимланади:

3. Бўлишли буйруқ – الأمر

4. Бўлишсиз буйруқ – النهي

Мазкур турлар наҳв илмида ҳам, маъоний илмида ҳам алоҳида мавзулар сифатида қабул қилиниб ўрганилади. Араб тилшунослигида мустақил икки мавзу деб ҳисобланган амр ва наҳий масаласи ўзбек тилшунослигида яхлит бир мавзу доирасида ўрганилади, яъни “буйруқ” гаплар мавзуси доирасида унинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари умумий таҳлил қилинади (Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х., 1983).

Араб тилшунослигида эса амр (буйруқ) ва наҳий (таъқиқлаш) алоҳида мавзулар деб ҳисоблансада, улар ўртасидаги фарқ ясашида кўринади: буйруқ шаклини яшашнинг бир қанча усуллари мавжуд (7102), таъқиқни эса фақат бир йўл билан – феълнинг жазм ҳолатига ў инкор юкламасини қўйиш орқали яшаш мумкин (7102), аммо ифода мақсади ва ишлатиш доираси нуқтаи-назаридан “амр” билан “наҳий” ўртасида фарқ деярли кўринмайди.

Балоғат илми талабларига биноан, буйруқ юқоридан пастга қаратилади, яъни ёши ёки мартабаси улуг кичикка ёки Аллоҳ бандаларига буйруқ беради ва унга итоат этиш шарт деб ҳисобланади (السكائي), масалан:

أَقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ (с. елқ: 1)

Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан!

فَأَمَّا الْيَتِيمَ فَلَا تَقْهَرْ وَأَمَّا السَّائِلَ فَلَا تَنْهَرْ. وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ.

(с. الضحى: 9-11)

Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг! Соил (гадо)ни эса (малол олиб) жеркиманг! Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъматини ҳақида эса (одамларга) сўзланг.

Оятларда Аллоҳнинг ўз Расулига берган буйруғи, иккинчи оятда эса таъқиқи ҳам ифода этилган.

Буйруқ асосан қуйидаги усулларда ясалади (7102):

1. فعل الأمر

2. المضارع المجزوم بلام الأمر

3. اسم فعل الأمر

4. المصدر النائب عن فعل الأمر

Одатда буйруқ аниқ бир тингловчига йўналтирилади. Шунга кўра феълнинг шахс-сон

олд қўшимчаси тушириб қолдирилади, сўз бошида икки ундош ёнма-ён бўлиб қолса, васлалар ҳамза қўшилади, масалан:

رَبَّنَا اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ الْحِسَابُ. (с.

إبراهيم: 14)

Эй, Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиймат) кунини мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!

اطلبوا العلم ولو بالصين

– изланг

Оятдаги اغْفِرْ, мақолдаги اطلبوا буйруқ майли шаклидаги феълларнинг таркибидаги ط ва غ харфлари сукунли бўлгани учун улардан аввал алиф орттирилган ва айнан орттирилган харф бўлгани учун васлалар деб ҳисобланади. II шахсга қаратилган буйруқ шакллари бир қатор вазнларга эга ва уларнинг барчаси умумлаштирилиб “فعل الأمر” – буйруқни ифодаловчи феъллар деб номланади.

Буйруқ I ёки III шахсларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Бундай ҳолатда шаклни яшаш учун феълнинг олди қўшимчаси туширилмайди, яъни феълнинг жазм ҳолати – шарт майли орқали ифодаланади, масалан:

قُلْ لِعِبَادِيَ الَّذِينَ آمَنُوا يُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا

وَعَلَانِيَةً مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَ يَوْمٌ لَا بِنِعْمَةٍ فِيهِ وَلَا خِلَالٍ (с. إبراهيم: 13)

(Эй Муҳаммад!) Имон келтирган бандаларимга айтиш, намозни баркамол адо этсинлар ҳамда савдо-сотиқ ва ошна-оғайнигарчилик бўлмандиган кун (қиймат) келмай туриб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилсинлар.

Одатда I ва III шахсга қаратилган буйруқ шаклига – юкламаси (لام الأمر) қўйилади:

قُلْ يُغِيثُوا رَبَّ هَذَا الْيَتِيمِ (с. قریش: 3)

Мана шу Уй(Каъба)нинг Парвардигорига ибодат қилсинлар!

لِيُنْفِقَ ذُو سَعَةٍ مِّن سَعَتِهِ (с. الطلاق: 7)

Бой киши ўз бойлигидан нафақа берсин.

Буйруқ шаклини ифодалашда феълнинг ўрнига унинг масдар шаклини ҳам қўллаш мумкин, масалан:

وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا (с. البقرة: 38)

– қиласиз

إِحْسَانًا (яхшилиқ) ясаши масдар шаклида бўлиб, тушум келишигида келтирилиши билан أَحْسِنُوا (яхшилиқ қилинлар) маъносидаги буйруқни бажарган.

وَقِيلَ بُعْدًا لِلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ. (с. هود: 44)

“Золимлар қавмига ҳалоқат!” – дейилди.

Оятда келтирилган بُعْدًا (ҳалоқат) сўзи золим қавмнинг барчасига тегишли бўлиб, уни буйруқ феъли сифатида أَبْعَدُوا (Аллоҳнинг ҳар қандай неъматидан узоқда бўлинглар) деган маънодаги дуоибад деб тушуниш зарур.

صَبْرًا آلَ يَاسِرٍ، فَإِنَّ مَوْعِدَكُمْ الْجَنَّةُ

*Сабр қилинглар, эй Ёсир оиласи! Сизларга
ваъда қилинган жой Жаннатдир!*

Бу ҳадисда “صَبْرًا” (сабр қилиш) масдари “اصْبِرُوا” (сабр қилинглار) феъли ўрнида келган.

فَصَبْرًا فِي مَجَالِ الْمَوْتِ صَبْرًا *** فَمَا نَيْلُ الْخُلُودِ
بِمُسْتَطَاعٍ

Ўлим майдонида матонат кўрсат, сабр қил!
Зеро, мангуликка эришиб бўлмас!

Шоир жанг майдонида ўз нафсига қарата “فَسَبْرًا” деб хитоб қилиб, “اصْبِرْ” (сабр қил) маъносини масдар орқали ифодалаган. Иккинчи марта “صَبْرًا” деб такрорлаши билан буйруқнинг узлуксизлиги ва ҳолатнинг нақадар шиддатли экани балоғий жиҳатдан тасвирланган.

Масдарлар воситасида ифодаланган буйруқ феъл шаклида ифодаланадиган буйруқ маъносига нисбатан кучлироқ маъно англатади. Феъллар иш-ҳаракат ва ҳодисани муайян замонда содир бўлишини англатади, буйруқ шакли орқали ҳаракат келажакда ўзгариши кутилади. Масдар ясаилишига кўра исм гуруҳига оид сўз бўлгани учун у орқали ифодаланган буйруқ доимийлик ва кучли таъкидни ифодалайди (3002، الفتازانى).

Буйрук маъноси яна исмлар орқали ифодаланиши мумкин. Бунда исмнинг келишик кўрсаткичи махсус омиллар таъсирида ўзгариши кутилади, масалан: (عَلَيْكُمْ أَنْفُسَكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَنْ ضَلَّ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ) س. المائدة: 501

мақомини баъзан пасайтириш, баъзан улуғлаш, ички туйғуларини ифодалаш, мажбурият билан бирга ҳаракат эркинлигига ундаш каби кўчма маъноларни етказиб беришни ҳам назарда тутати. Мана шу мазмун “балоғий маъно” деб аталади.

Буйруқ шакли орқали ифодаланадиган балоғий маъно кўп ва уларни ажрата олиш сўзловчининг мақсадини тушуниб олишга ёрдам беради. Буйруқ шакли орқали ифодаланадиган балоғий маъноларнинг кўп учрайдиганлари қуйидагилардир:

1. **الوجوب – мажбурийлик, фарз:** буйруқнинг

асл маъноси бўлиб, агар гапда мажбурийликдан бошқа маънога далолат бўлувчи бирор белги бўлмаса буйруқнинг бажарилиши шарт деб ҳисобланади, бу каби буйруқ юқори мақом ёки ёши улуғдан қуйига қаратилади, масалан:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ. (с.с. البقرة: 34)

Намозни баркамол ўқингиз, закот берингиз ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қилингиз.

2. **الدعاء – илтижо қилиш, ялиниб ёлвориш,**

дуо қилиш: буйруқ қуйидан юқорига, яъни мақоми паст, ёши кичик шахсдан мақоми олий, ёши улуғ одамга, шунингдек бандадан Аллоҳга қаратилган бўлса, бу талаб эмас, балки ёлвориш, ўтинч ва дуо деб ҳисобланади, масалан:

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ (с.с. البقرة: 102)

Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охирада ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин.

3. **الالتماس – илтимос:** тенг мақомдаги шахслар

ўртасидаги буйруқ:

قَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْنِي فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ (с.с. الأعراف: 241)

Мусо (кета туриб) ўз биродари Ҳорунга: “Қавмимда (сен қолиб) менинг ўринбосарим бўлгин, (хатоларини) ислоҳ эт ва бузгунчилар йўлига эргашмагин!” – деди.

– Китобингни бериб китобингни берингиз!

Сўзловчи ўз дўстидан нимадир сўраганда мажбурлаш ёки босим ўтказиш нияти бўлмайди. Буйруқ феъли бу ўринда ижтимоий масофанинг яқинлигини, ўртада ўзаро тенглик ва ишонч борлигини акс эттиради.

4. **الإرشاد والنصح – насиҳат, маслаҳат:** бажарилиши

мажбурий бўлмаган, асосий мақсади тингловчига тўғри йўл кўрсатиш ва унинг ўз манфаати учун бериладиган маслаҳатдир, масалан:

إِذَا تَدَايَنْتُمْ بِدِينٍ إِلَى أَجَلٍ مُسَمًّى فَاكْتُبُوهُ (с.с. البقرة: 282)

Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз!

إِنْ رَجُلًا شَكَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَسْوَةَ قَلْبِهِ فَقَالَ امْسَحْ رَأْسَ الْيَتِيمِ وَأَطْعِمِ الْمَسْكِينِ

Бир киши Пайғамбар (с.а.в.)га қалбининг қаттиқлигидан шикоят қилди, шунда у Зот “етимнинг бошини сила, мискиннинг қорнини тўйгаз”, – дедилар.

Ибн ал-Вардий ўз ўғлига қарата ёзган ламиясида:

إِطْرَحِ الدُّنْيَا فَمِنْ عَادَاتِهَا تَخْفِضُ الْعَالِي وَتُعْلِي مَنْ سَفَلَ

Дунёни (унга бўлган муҳаббатини) четга суриб қўй! Унинг одати юқоридагини пастга тушириш, пастдагини эса кўтаришдир.

Бу мисолларда буйруқ шакли орқали Аллоҳнинг бандага, Пайғамбарнинг умматга, отанинг ўғлига бўлган соф муҳаббати кўринади. Аллоҳ бандасига қарзни ёзиб қўйиш тўғри бўлишини уқтираяпти, чунки муаммо юзага келиб қолса ёзувга қараб иш қилиш мумкин бўлади. Агар қатъий буйруқ маъносида бўлганида унга бўйсунуш мажбурий бўларди, насиҳат, маслаҳат маъносида қўлланганда эса амал қилмаслик гуноҳни кўпайтирмайди, лекин бандага зарар қилади.

4. **التهديد والاذار – қўрқитиш ва огоҳлантириш:**

сўзловчи тингловчининг қилаётган ишининг оқибати келажакда оғир жазога сабаб бўлишини дўк уриш йўли билан билдиради, уни қўрқитиб, натижасидан огоҳлантиради. Гўёки “қилавер” деб рухсат беради, аслида эса “эртага шу ишинг учун чунонам жавоб берасанки..” дегандек буюради, масалан:

اعْمَلُوا مَا شِئْتُمْ إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ. (с.с. فصلت: 04)

Нимани хоҳласангиз, ўшани қилаверингиз!

إِذَا لَمْ تَسْتَحْيِ فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ

Агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер! –

Имом Бухорий ривояти)

Кўнглингга келганини қилавер, я залим

– эй золим

5. **الإباحة – рухсат бериш, ижозат:** бирор ишни

қилиш “манъ этилган” деб ўйлаган ёки бажарилишига шубҳаланган шахсга мурожаат қилиб, ўша ишни бажаришга рухсат беришдир, масалан:

كُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَبَيِّنَ لَكُمْ الْخَبِطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَبِطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ. (с.с. البقرة: 781)

Тонггача, яъни оқ иннинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз.

وَإِذَا خَلْتُمْ فَاصْطَبُوا (с.с. المائدة: 2)

Ҳалол (қилинган ҳолат)га чиққанларингизда эса, ов қилаверингиз.

6. **التمني – исташ, орзу қилиш, армон:** сўзловчи

руҳий тушқунлик ёки чорасизлик ҳолатида мантиққа тўғри келмайдиган даражада жонсиз ёки имконсиз нарсаларни талаб қилиш маъносини ифодалайди.

Одатда бу каби буйруқ жонсиз нарсага мурожаат қилиш учрайди:

قَالَ رَبِّ ارْجِعُونِ. لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ (с. المؤمنون: 99-001)

У: Роббим, мени (ҳаётга) қайтаринглар, шоядки ўзим тарк қилган солиҳ амалларни қилсам, дейди.

قال نبينا: اسئلكم جزاء، فقد علمتكم نبيي وصديق وشهيدان

Пайғамбаримиз дедилар: Тинчлан, эй Хиро!

Зотан сенинг устингда бир Набий, бир Сиддиқ ва икки шаҳид турибди.

أَلَا أَيُّهَا اللَّيْلُ الطَّوِيلُ أَلَا إِنِّجَلِي
بَصْبُحٍ وَمَا الْإِصْبَاحُ مِنْكَ بِأَمَثَلٍ

Эй узун тун, чекингин, келсин майли нурли тонг,

Гарчи тонгинг ҳам йўқдир менга сендан афзали.

Юқоридаги мисоллар таҳлил қилинса, оятда сўнгги нафаси чиқаётган одамнинг фарёди келтирилган. Айни чоғда ўлим жараёнининг сўнггида экани ва энди ҳаётга қайтишининг иложи умуман йўқлиги учун армон маъносини ифодалаган. Оятда феълнинг кўплик шаклида келтирилиши, мурожаат эса фақат Аллоҳга қаратилиши икки хил тафсир қилинади: Аллоҳнинг улуғлигини ифодалаш мақсадида буйруқ кўплик шаклида келтирилган деган фикр билан, ўлим ҳолатида атрофдаги фаришталар кўринаётгани учун уларга мурожаат тариқасида келтирилган деган шарҳ ҳам бор (Zamakhshariy, Al-Kashshaaf ‘an haqa’iqi g‘avamidi-t-tanzil va ‘uyunil-aqovil fiy vujudit-ta’vil, 2008:777).

Иккинчи мисол Пайғамбаримиздан келтирилган ҳадис бўлиб, унда мурожаат Хиро тоғига қаратилган. Тоғ оддий тош, қум ва тупроқдан иборат бир жонсиз жисм. Классик давр олимларининг фикрига кўра, буйруқнинг жонсиз, онгсиз нарсаларга йўналтирилиши ҳақиқий маънодан кўчма маъно англатишга ўтганини ифодалайди. Айни ўринда пайғамбаримизнинг истаклари сифатида баҳоланиб, “гаманний” дейилади. Иккинчи тарафдан қаралса, тоғ оддий жонсиз хилқат сифатида қаралмаган, аксинча мурожаатни эшита оладиган ва буйруққа бўйсунадиган деб ҳисобланган. Шунда у пайғамбаримизнинг истакларига сўзсиз бўйсунган, яъни ўз истакларига тоғни бўйсундирганлар. Шунинг учун уни “тасхир”, яъни “бўйсундириш” дейиш ҳам мумкин ва бу маъно кучлироқдир.

Учинчи мисолда эса сўзловчи тунга нисбатан буйруқ шаклини қўллаган. Сўзловчи пайғамбаримиз каби танланган инсонлардан бўлмагани учун унинг тилидан қўлланаётган буйруқ жонсизга қаратилган деб ҳисобланади ва “орзу қилиш” сифатида баҳоланади.

7. التّعجيز – ожиз қолдириш: сўзловчи

тингловчига бир нарсани буюриб, унинг амалга ошишини кутади, аммо ожиз қолдириш маъносини ифодаламоқчи бўлган сўзловчи атайин тингловчи бажара олмаслиги аниқ ва равшан бўлган ишни буюради, унинг мақсади буюраётган ишининг бажарилиши эмас, бажарилмаслигидир. Бу билан у тингловчининг қай даражада ожиз эканини кўрсатиб қўйишни мақсад қилган бўлади, масалан:

... فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّن مِّثْلِهِ ...

Унга ўхшаш бир сура келтиринглар-чи... (Бақара, 23).

فَلْيَخْلَفُوا دَرَّةً أَوْ لِيَخْلَفُوا حَبَّةً

Қани, битта заррани ёки битта уруғни яратиб кўрсинлар-чи! – Имом Бухорий ривояти).

أُولَئِكَ أَبَايَ فَجَنِّبِي بِمِثْلِهِمْ

Ана ўшалар менинг ота-боболарим, қани, менга ўшалар кабисини келтир-чи!

Ҳар уч мисол таҳлил қилинганда, оятда тингловчи энг моҳир нотик бўлганида ҳам Қуръондаги бир сура ёки оят каби бирор гап туза олмаслигини билдирган. Иккинчи мисолда эса инсон ўзича бирор нарсани мукамал ярата олмаслиги кўрсатилган. Оддий бир уруғни яратса, унинг ўсишини амалга оширолмаслигини кўрсатиб берган. Учинчи мисолда Фараздақ рақиби Жарирни ўша гапини айтиб одамлар орасида мулзам қилгани ифодаланган. Демак, бу каби буйруқнинг асосий мақсади тингловчининг онгидаги “мен қила оламан” деган кибрни синдириш, руҳан шок ҳолатига тушириш ва ўз ожизлигини тан олишга мажбурлашдир.

8. التسوية – тенглаштириш: одатда буйруқ

орқали келажакда ўзгариш бўлиши талаб қилинади, тенглаштириш маъносини ифодалаётганда эса тингловчининг ҳатти-ҳаракати сўзловчи учун ҳеч қандай қийматга эга эмаслигини кўрсатади, “нима қилсанг ҳам барибир, натижа ўзгармайди” деб ёндошади, масалан:

فَاصْبِرُوا أَوْ لَا تَصْبِرُوا سَوَاءٌ عَلَيْنَا (с. الطور: 61)

Энди (унинг азобида) хоҳ сабр қилинг, хоҳ сабр қилманг – сизларга баробардир!

مَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ

Хоҳлаган иймон келтирсин, хоҳлаган кофир бўлсин.

Бу ҳадис Пайғамбаримиз (с.а.в) ўжарлик қилиб, ҳадидан ошган кимсаларга нисбатан баъзан шундай услубни қўллаганларига мисол бўлади.

عَشْ أَتَيْتُ مَا تَرَى أَوْ مَثُ - менга

барибир

Жоҳилия даврида шоир ўз севгилисининг хиёнатидан кейин умидсизлигини шу тариқа ифодалаган.

9. الإكرام – ҳурмат кўрсатиш: Сўзловчи тингловчига бўлган юксак ҳурмати, унинг макоми нақадар буюк эканини изҳор қилиш учун фойдаланадиган буйруқ шакли, масалан:

ادْخُلُوا بِسَلَامٍ آمِينَ (с. الحجر: 64)

Унга (жаннатга) тинчлик-омонлик билан киринглар.

Араб маданиятида уйга келган меҳмонга айтиладиган доимий буйруқ-ибора: خَلَّتْ أَهْلًا، تَقَضَّلْ، خَلَّتْ أَهْلًا (Марҳамат қил, ўз аҳлингга келдинг, текис-қулай жойга тушдинг) гапида “تَقَضَّلْ” сўзи ҳам ҳурмат кўрсатиш маъносини ифодалаган.

Доктор Фозил Самирройнинг фикрича, икром маъносидаги буйруқ психологик кўтаринкилик ва ички таскинни (راحة نفسية) ифодалайди.

10. الإمتنان – яхшилиқ қилиш, эҳсон қилиш: инъом этилган неъматларни эслатиш ва шукрга ундаш маъносидаги буйруқ.

فَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمْ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا (с. النحل: 411)

Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-поқ нарсалардан енглар.

Оятдаги “كُلُوا” феъли буйруқнинг ҳақиқий шаклида ясалган, аммо унинг маъноси “енглар” деб мажбурламайди, аксинча, Аллоҳ таоло бандаларига инъом қилган неъматларини эслатиб, кўрсатаётган марҳаматини намоён қилишдир.

Тарқалинглари, сизлар озодсизлар اذْهَبُوا فَأَنْتُمْ الطَّلَاءُ

Мисолда пайғамбаримиз Макка фатҳида жазоланиши керак бўлган одамларни озод қилиб “кетинглар” деб марҳамат кўрсатганларининг баёнидир.

تَقَضَّلْ وَخُذْ راحتك، المكان مكانك (Марҳамат, истаган

-жойингизга ўтиринг

11. الإهانة – таҳқирлаш, менсимаслик: тингловчининг қадрсизлантириш, ерга уриб хорлашни ифодалашда ҳам буйруқ шаклидан фойдаланиш мумкин, масалан:

دُنْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْكَرِيمُ (с. الدخان: 94)

(Унга масхара сифатида: “Мана бу азобни) тотиб кўргин! Дарҳақиқат, сен “азиз ва мукаррамдирсан”

Оят мазмуни жаҳаннамда азобланувчи кимсага қаратилган бўлиб, ўзини қудратли, ҳурматга сазовор деб ўйлайдиган кимсага “ўзингни қудратли, олижаноб деб ўйлардин-ку!” деган маънода таҳқир маъноси яширинган.

دَعِ الْمَكَارِمَ لَا تَرَحَّلْ لِبَغِيَّتِهَا *** وَاقْعُدْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الطَّاعِمُ

الكاسي

Олийжанобликни қўй, унинг кетидан қувма, Ўтир. Чунки сен еб-ичиб, кийиниб юрадиган кимсасан!

Бу байтда Ҳутайба буйруқ шакли орқали “яхши ишлар қиламан дейишни йиғиштир, чунки ўзинг бир боқимандасан ва сендан буюк ишлар чиқмайди” деган маънода кучли истехзо, мазаҳ ва танқидни ифодалаган. Байтдаги افْعُدْ феъли دَعِ феъли билан мазмуни бир.

12. الدوام – давомийлик: Сўзловчи ўзи эга бўлган неъматни ёки ҳолатини йўқотмай, узлуксиз давом этишини талаб қилишини ифодалайди, масалан:

اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ (с. الفاتحة: 5) Бизни шундай

– йўлга йўлагин

Оятда банда Аллоҳдан биргина масалада ва бир муддат учун эмас, умрининг охиригача барча масалаларда фақат тўғри йўл билан сийлашини сўраган, яъни ҳар қандай инсон эришган ютуғи, қўлга киритган барча нарсаларини яна дуо қилиб сўрамайди, аксинча улар доимий давом этишини хоҳлайди. Худди шу каби ҳидоят йўлини сўраётганлар ўз бахти ва неъматини қачондир йўқотиб қўйишдан кучли кўрқув борлиги учун аҳдда шакли орқали эга бўлиб турган ёки истаётган ҳолатининг барқарорлигини сақлаб, абадий давом этишини ёлвориб сўраяпти, воқеликда ўзгариш бўлишини талаб қилиб буюрмапти.

Давомийлик маъноси ҳадислар ва бадий адабиётларда ҳам кўп учрайди:

يَا مُقَلِّبَ الْقُلُوبِ ثَبِّتْ قَلْبِي عَلَى دِينِكَ

Эй, қалбларни ўзгартирувчи Зот, қалбимни ўз динингда қатъийлаштир.

Шоирлар қасидаларида подшоҳларга “دُمْ فِي عَرْ” деб “азизлик ва улугворликда бардавом бўлинг!” деб тилак билдирганда ҳам давомийликни ифодаловчи буйруқ шакли келтирилади.

13. الاعتبار – ибрат олиш, тафаккур қилиш: сўзловчи тингловчининг кўз қарашини оддий “кўриш”дан чуқур “тафаккур қилиш”, яъни басират даражасига ўтишини талаб қилади.

انظُرُوا إِلَى ثَمَرِهِ إِذَا أَثْمَرَ وَيَنْعِهِ (с. الأنعام: 99)

Унинг мева туккан вақтидаги мевасига ва

...пишиб етилишига боқинглари

رُوزُوا الْقُبُورَ فَإِنَّهَا تُنْذِرُكُمْ الآخِرَةَ

Қабристонни зиёрат қилиб туринглари, чунки у сизларга охиратни эслатади (Имом Муслим).

Абул Атоҳиянинг дунё бевафолиги ҳақидаги мисраси:

انظُرْ إِلَى الْآيَامِ كَيْفَ تَدُورُ

- айланмоқда

Оят таҳлил қилинганда انظُرُوا (қаранглари) буйруғи орқали кўз билан қараб кўриш эмас,

ақл билан тафаккур қилиб таҳлил қилиш талаб қилинаётганини тушунамиз. Кундалик ҳаётда тевағимизда мавжуд ҳар қандай нарсаларни кўриб туришга одатланиб қолганимиз учун уларга эътибор қаратмай, пайқамай қўйганимиз. Мана шу пайқамай қолишни йўқотиш учун инсонни фикрлашга, ибрат олишга мажбурловчи вазифасини бажаради.

14. – التكوين яратиш, қудрат: инсон ақли англамайдиган, муайян қонуниятлардан холи фақатгина илоҳий ирода билан йўқдан бор қилиш, масалан:

إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ (سورة يس: 28)

Бирор нарсани ирода қилганда, Унинг иши фақатгина «Бўл!» дейишдир, бас, у бўлур.

Бу ўринда буйруқ ҳаракатга ундаш эмас, балки борлиқнинг ўзини яратишда. Тингловчи учун Яратувчи чексиз ва мутлақ қудрат эгаси ва ўзи ҳам Унинг иродаси натижаси эканини англайди.

15. التسخير - бўйсундириш: сўзловчининг қудрати кўрсатилиб, тингловчини ҳам жисмонан, ҳам маънан ўзгартириб юборишга кучи етиши ифодаланади. Шунда тингловчи буйруқни бажарувчи субъект сифатида эмас, унга сўзсиз бўйсунувчи мақомида бўлиб қолади, масалан:

كُونُوا قِرَدَةً خَاسِئِينَ (س. البقرة: 56)

Қадрсиз маймунларга айланингиз!

Мисолда бани Исроилнинг бир гуруҳ одамлари таъқиқни бузгани учун жисми ва феъли маймунга айлантирилиб, Аллоҳнинг буйруғига сўзсиз маҳкум бўлгани келтирилган.

16. التأييد - тарбиялаш, одаб бериш: Сўзловчи ёш ёки тажрибасиз тингловчини жамиятнинг ахлоқ-одоб қоидаларига мослаштириш учун буйруқ шаклидан фойдаланади, аммо бу буйруқ қатъий эмас, мулойимлик билан берилаётган ўғит деб ҳисобланади, масалан:

Пайғамбаримиз (с.а.в) дастурхон устида қўлини ҳар тарафга чўзаётган Умар ибн Абу Саламага қарата айтганлар:

يَا غُلَامُ سَمِ اللَّهَ وَكُلْ بِيَمِينِكَ وَكُلْ مِمَّا يَلِيكَ

Эй болакай, бисмиллаҳ деб, ўнг қўлинг билан ва ўз олдингдан егин! (Имом Бухорий ривояти).

Бу каби буйруқдан мақсад тингловчини тартиб-интизомга ўргатишдир. Одатда бундай гапларда буйруқ қисқа ва лўнда шаклда, тарбияланувчи руҳиятини кўтариб, гўзал хулқ унинг қонига сингиб кетишини рағбатлантирадиган ўзига хос енгил оҳангда ифодаланади.

17. الإذن - рухсат бериш: сўзловчи тингловчига буйруқ бермайди, аксинча бирор ишини бажаришига рухсат беради, масалан:

Хонага кирмоқчи бўлган одам эшик тақиллатса ёки “кирсам майлими?” деса, сўзловчи “ادخل - кириш” деб киришига ижозат беради, уни хонага киришга мажбурламайди.

ХУЛОСА

Грамматик қоидаларга кўра, буйруқ, яъни амр иншоий талабий гаплар сирасига кириб, воқеликда бирор ўзгариш бўлишини талаб қиладиган синтактик воситадир. Бироқ буйруқ балоғат илмида ўзининг грамматик шаклидан ташқари тилнинг чексиз имкониятларини намоён қила оладиган услуб деб ҳисобланади.

Мақолада келтирилган балоғий маънолар сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги турли вазиятлар, руҳий ҳолатлар ҳамда инсоний муносабатларнинг тилдаги жонли аксидир. Араб тилида биргина буйруқ шакли орқали контекстга, сўзловчининг мақсади, тингловчининг ҳолати, ўша вақтдаги вазиятга қараб чексиз меҳр ёки қаҳр, буйруқ ёки дуо, илтижо, илтимос, вазиятга қараб маслаҳат, таҳқир, тенглаштириш, таажжуб ёки орзу-армон, мутлақ илоҳий яратувчанлик каби маъноларни ифодалаши мумкин. Шунда ҳақиқий буюриш маъноси дастлабки мазмун бўлиб қолади. Асл моҳият эса унинг ортидаги мажозий-психологик мақсадларда яширинган бўлади. Мана шу мажозий маънони илғаб тушуниб олиш “маъоний илми” талаблари доирасида тадқиқ қилинади.

ADABIYOTLAR

1. Al-Asir, Z. (2016). Al-masalu-l-sā'ir fī adabi-l- kātib va-sh-shā'ir. Qohira: Al-Bahiyya.
2. Al-Fodoniyy, M. Y. (2008). SHuruhi durusi-l-balog'a. Husnu-s-siyag'a. Rumbag': Baraka.
3. Al-Hoshimiy Ahmad.(1375h.). Javāhiru-l-balag'a fi-l-ma'āniyy va-l-bayān va-l-badī'. Bayrut: Livan: Dāru-l-'ihyā'i-t-turāsi-l- 'arabiy. .
4. Al-Johiz, A. U. (2006). Kitābu-l-bayān va-t-tabyīn. Bayrut: Daru-l-jīl.
5. Al-Maydaniy, A. H. (Al-balag'atul-arabiyyatu: ususuha, ulumuha va fununuha. 1996). Al-balag'atul-arabiyyatu: ususuha, ulumuha va fununuha. Bayrut: darul-qalam.
6. Akkowiyy, I. F. (1996). Al-mu'jamu-l-mufasssal-fi ilmi-l-balag'a. Bayrut: Daru-l-kutubi-l-ilmiyya.
7. Atiq, A. (1985). 'Ilmu-l-ma'āniyy. Bayrut: Dāru-n-nahḍati-l-'arabiyya.
8. Atiq, A. (2002). Ilmul-bayan. Bayrut: Darul-fikr.
9. Atr, Z. (1988). Al-mu'jizatu-l-xolidatu. Bayrut: Daru ibn Hazm.

10. Bayzoviy, A. (1955: T.I: 12). Anvāru-l-tanzīl va asrāru-t-taʼvīl (Vol. T. I). Misr.
11. Begmatov, va mualliflar.(2020). Oʻzbek tilining izohli lugʻati. Toshkent: Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi.
12. Bisyuniy, A. (1998). Ilmu-bayan. Dirasa tahliliyya. Qohira: Daru-l-maʼalimi-s-saqafiyya.
13. Bisyuniy, A. (2015). 'Ilmu-l-maʼaniy. Qohira.
14. Bobur, Z. M. (1996). Nazm durdonalari. Toshkent: Sharq.
15. Boqilloni, A. (1993. T.II:202). 'Iʼjāzu-l-Qurʼān fī zayli-l-itqān (Vol. 2). Makka: Dārul-bāz.
16. El-Kubesi, A. A. K., & Shehade, M. M. S. M. (2019). مخالفات الرازي لأبي مسلم الأصفهاني في تفسيره الكبير-الجزء الأول من سورة البقرة نموذجاً-عرض ودراسة نقدية: The Differences between Abu Muslim al-Asfahani and Fakhraddin al-Razi in Surah al-Baqarah of al-T. Maʼalim al-Qurʼan wa al-Sunnah. 15 (2), 197-214.
17. Fayad , S. (1995). An-nahwu-l-ʼasriy. al-Qohira: markazu-l-ahram.
18. Hava, S. (1985). Al-asas fi-t-tafsir. Qohira: Daru-s-salam.
19. Jorim Ali. Amin Mustafo. (1992). Al-balagʻatu-l-vodihatu. Bayrut: daru sodir.
20. Ibn Manzur. (1378). Lisanui-arab. Bayrut: Daru-s-sodir.
21. Ibrohimov N, Oripov A, Ikromjonov A, Zayriev A. (2022. T.IV:600). Al-Qomus (Vol. IV). -Toshkent: Gʻafur Gʻulom.
22. Iskandar, A. (2024). Kayfa tutqinu al-balagʻata. Qohira.
23. Ismoilov, B. (2020). LINGUOPOETIC ANALYSIS OF SURAH HUMAZA. Интернаука, 66-67.
24. Mahmud, B. (2020). PENGGUNAAN ASALIB AL-MAʼANI DI BEBERAPA AYAT DALAM AL-QURʼAN AL-KARIM. Prosiding Konferensi Nasional Bahasa Arab, 6(6), 889-905.
25. MANGGALA, D. N. (2014). USLUB AL IJAZ FI MAWLUD AL GHARB LI SHAYKH AL GHARB (DIRASAH TAHLILIYYAH FIʼILM AL MAʼANIY) .
26. Mansur, A. (2019). Qurʼoni karim maʼnolarining tarjimai. Toshkent: Toshkent islom universiteti.
27. Mullasodiqova, N. (2019). Formas de expresion de opinion en la ciencia Maoniy. Religación. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades, 4(20), 70-75.
28. Muʼtazz, A. (<https://www.aldiwan.net/cat-poet-ibn-Al-Mutaz>). Divan ibn Muʼtazz.
29. Qazviniy, J. (2003). Al-Iydoh fiy ʼulumil-balagʻa al-maʼaniy valʼbayan val badiʼ. Bayrut: Darul-kutubil-ilmiyya.
30. Quronov D., Mamajonov Z, Sheraliyeva M. (2013). Adabiyotshunoslik lugʻati. Toshkent: Akademnashr.
31. Rustamiy, S. (2016). "ESASU-L-BELAGA" VE "DİVAN-U LUGAT-İT-TÜRK" ESERLERİNİN DİL BİLİMİ VE BELAGAT BİLİMİYLE İLGİLİ YÖNLERİ. Electronic Turkish Studies, 11(20).
32. Rustamiy, S. (2018). Oʻrta asr islom balogʻat ilmida tilshunoslikka oid qarashlar. 112. Toshkent.
33. Rustamiy, S. (2023). ART OF UZBEK FOLK PROVERBS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES, 38-40.
34. Sofiy, M. (1999). Al-jadval fiy iʼrabi-l-Qurʼan va sarfihi va bayanihi. 3, p. 123.
35. Sohib Islom Maqsud ar-Rahmon. (2016, 12). Al-Iyāj fi-l-Qurʼāni-l-karim. AL-Iydāh, pp. 241-251.
36. YAFIE, I. (2016). AL IJAZ WA AL ITNAB FI AURAH IBRAHIM WAAMARYAM (DIRASAH TAHLILIYYAH BALAGHIYYAH FIʼILM AL MAʼANIY) .
37. Zamaxshariy, M. (1979). Asasu-l-balagʻa. Bayrut: Daru-l-fikr.
38. Zamaxshariy, M. (2008). Al-Kashshaaf ʼan haqaʼiqi gʻavamidi-t-tanzil va ʼuyunil-aqovil fiy vujudhit-taʼvil (Vol. I). Darul-kitabil-ʼarabiy.
39. <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri>. (n.d.).